

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

14-сон  
(1138)  
2024 йил  
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

116. «Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 2 апрелдаги ўРҚ–923-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

117. «Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги ПФ–55-сон Фармони

118. «Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўл-

лаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 апрелдаги ПФ–59-сон Фармони

119. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги ПҚ–146-сон қарори
120. «Ижод мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги ПҚ–147-сон қарори
121. «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги ПҚ–149-сон қарори
122. «Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

123. Ozbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 20-martdagi 115-son “Bojxona organlari xodimlarini xizmat majburiyatlarini bajarish chogida halok bolgan yoki olgan jarohati tufayli nogironligi bolgan shaxs deb topish tartibi togrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni oz kuchini yoqotgan deb topish togrisida”gi buyrug’i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 2-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3378-1*)
124. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 4 мартдаги 112-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-15*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**116** Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
26 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 9 февралда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш доирасида камбағалликни қисқартириш ҳамда кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга солиқ имтиёзлари ва преференциялар, хусусан, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ҳамда пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу туфайли ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тадбиркорлик субъектларига улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб тегишли солиқларни муайян муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилишини, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳоли бандлигининг ўсишига, камбағалликни қисқартиришга ҳамда кам таъминланган оилалар аъзоларини ишга қабул қилишда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова,

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 апрелда эълон қилинган.

№ 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **482-модда** қўйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳамкорлик шартномалари»га асосан «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мустасно) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 2, 3 (бундан тўлов манбаидан олинadиган фойда солиғи мустасно) ва 5 — 9-бандларида кўрсатилган солиқларни ҳамда айланмадан олинadиган солиқни ушбу субъектлар яратган янги иш ўринлари сонига қараб қўйидаги муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — уч ойгача;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — олти ойгача;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ўн икки ойгача.

Ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида кўрсатилган солиқлар бўйича бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти:

«20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларининг аризасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан;

ушбу Кодекснинг 13-бобида назарда тутилган мол-мулк гарови, кафиллик ёхуд банк кафолати таъминотисиз ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган фоизлар ҳисобланмаган ҳолда, шунингдек молиявий ҳолат таҳлил қилинмаган ва ушбу Кодекс 101-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда (бундан ушбу Кодекс 98-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно) берилади»;

2) **483-модда** қўйидаги мазмундаги **қирқ олтинчи**, **қирқ еттинчи** ва **қирқ саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғини 2025 йил 1 январга қадар қўйидаги миқдорда пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;

101 дан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 75 фоизи;

200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ушбу солиқларни тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар «ҳамкорлик шартномалари»га асосан «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари

мустасно) улар бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этган тақдирда берилади:

«Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри»га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда ва камида бир йил давомида уларга ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўланган ҳолда, уларнинг бандлиги таъминланганда;

ушбу фуқаролар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда.

«Ҳамкорлик шартномалари» бўйича мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши солиқ имтиёзларини қўллашнинг бутун даври учун бекор қилиниб, ушбу солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар тикланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг қоидалари 2023 йил 1 июлдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 апрель,  
ЎРҚ–923-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **117** Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чо- ра-тадбирлари тўғрисида\*

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда замонавий билимларга эга, эркин фикрлайдиган, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, робототехника ҳамда бошқа йўналишларда жаҳондаги тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган шахсларни тарбиялаш, ўқувчиларнинг истеъдоди ҳамда қобилиятини ривожлантириш, уларнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимидаги мактабларда Фанлар академияси академиклари иштирокида дарс ўтиш амалиётини йўлга қўйиш;

б) Агентлик ҳузурида жамоатчилик асосида:

Агентлик тизимидаги мактабларнинг ўқитувчиларидан иборат бўлган STEM фанлари бўйича фан кенгашларини;

Агентлик тизимидаги мактабларнинг битирувчиларидан иборат бўлган Битирувчилар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Фан кенгашлари ва Битирувчилар кенгашининг асосий фаолият йўналишлари 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

а) Фанлар академияси академиклари томонидан Агентлик тизимидаги мактабларда:

ўқувчиларнинг яратувчанлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дарслар ташкил этилади;

ўқувчиларга амалий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларида кўмак кўрсатилади;

ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнларига фаол жалб этилади ҳамда Фанлар академияси тизимидаги илмий лабораторияларда олиб борилаётган лойиҳалар билан таништирилади;

ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш мақсадида «Ёш академиклар» клублари ташкил этилади.

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 апрелда эълон қилинган.

Бунда, Фанлар академияси академикларининг дарс машғулотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлари шартнома асосида — Агентлик хузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан, хизмат сафарини ташкил этиш харажатлари эса — асосий иш жойидан қопланади;

б) ҳар йили умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида таълим, ахборот технологиялари, яшил энергия, экология, иқлим ўзгариши ва қишлоқ хўжалиги каби йўналишларда янги маҳсулот ёки хизмат турини яратишни назарда тутувчи «Ихтирочиликка қадам» танлови ўтказилади.

Бунда, «Ихтирочиликка қадам» танлови ғолибларининг лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

в) STEM фанлари бўйича янги таълим дастурларини амалиётга жорий қилиш фан кенгашлари билан келишган ҳолда амалга оширилади;

г) Агентлик тизимидаги мактаблар битирувчилари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тақлифлари асосида таълим жараёнини такомиллаштириш, мактаб таълимидан кейин эгалланган касбий тажрибаларини ўқувчиларга етказиш мақсадида ҳар йили бир марта Битирувчилар қурултойи ўтказилади.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабда тажриба-синов тариқасида «Янги Ўзбекистон» университети билан ўзаро интеграциялашган ўқувчиларни муҳандислик асосларига ўргатиш бўйича таълим дастурларини (кейинги ўринларда — муҳандислик дастурлари) жорий қилиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг ўқув жараёни 5 йиллик дастурлар асосида STEM модели бўйича ташкил этилади. Бунда, дастлабки 3 йилда устуворлик ўқувчиларда физика, математика, информатика ва инглиз тили бўйича фундаментал билимларни шакллантиришга, кейинги 2 йилда эса — муҳандисликка бошланғич тайёргарликни таъминлашга қаратилади;

муҳандислик дастурларига танлов умумий ўрта таълим муассасаларининг математика, мантикий фикрлаш, информатика ва муҳандислик йўналишлари бўйича қобиляти бор 6-синф битирувчилари орасидан амалга оширилади;

муҳандислик таълим дастурлари «Янги Ўзбекистон» университети бакалаврият таълим дастурлари билан ўзаро интеграция қилинади;

муҳандислик таълим дастурларини лозим даражада ўзлаштирган битирувчиларга ўз ўқишини «Янги Ўзбекистон» университети тегишли бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичидан давом эттириш ҳуқуқи берилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

а) Агентлик тизимидаги ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда:

чет тилини билиш бўйича камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенг-

лаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган ўқитувчилар томонидан фанларни чет тилида ўқитиш амалиёти жорий этилади;

математика, физика, кимё, биология, табиий фанлар (science), информатика ва ахборот технологиялари фанларидан дарсларни чет тилида олиб борган ўқитувчиларга улар фаолият юритаётган мактабларнинг харажатлар сметасида ходимларни рағбатлантириш жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида тариф ставкасига нисбатан 100 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

б) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Президент мактабларининг маҳаллий ўқитувчиларига уларнинг тариф ставкасига нисбатан 350 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама тўлаш тартиби жорий этилади.

Бунда, устама педагоглар томонидан қуйидаги шартларнинг барчаси ба- жарилган тақдирда тўланади:

Кембридж (Cambridge Assessment International Education) халқаро таъ- лим дастурлари асосида дарс бериладиган фанларни ўқитиш бўйича 3 та (Introductory, Extension, Marking) курсни муваффақиятли тугатиш ва бу ҳақида тегишли сертификат олиш;

Президент мактабларида камида бир йиллик иш стажига ва чет тилини билиш бўйича камида С1 даражадаги ёки унга тенглаштирилган мос даража- даги халқаро сертификатга эга бўлиш.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Мудофаа ва- зирлиги (Б. Курбанов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) ҳамда Респуб- лика Маънавият ва маърифат маркази (О. Хасанов) билан биргаликда:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Агентлик тизимидаги мактабларда ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг янги тизимини жорий қилиш мақсадида дарсдан ташқари машғулотлар сифатида:

5 — 8-синфларда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимизнинг ибратли ҳаётини бугунги ҳарбийларимиз жасорати билан боғлаб, Ватан ҳимоячиси кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган машғулотларни;

9 — 11-синфларда ҳарбий ўйинлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш, ўқувчиларнинг ҳарбийлар билан бевосита учрашувларини ташкил этиш орқа- ли ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини ошириш ва ҳарбий хизматга тайёр- гарлик босқичини ўташга йўналтирилган машғулотларни ташкил этсин;

б) ҳар йили ўқувчилар ўртасида «Турон йўлбарслари» ҳарбий спорт («Темур тузуклари» билимдони, камондан ўқ отиш, қуролни тўлиқ бўлмаган қисмларга ажратиш ва йиғиш, спорт қуролидан ўқ отиш, биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш) мусобақаларини ўтказсин;

в) миллий анъана ва қадриятларни акс эттирадиган намунавий мактаб бурчакларини ташкил этсин;

г) ўқувчиларда ахлоқий, ижтимоий-ҳиссий ва эстетик дидни ривожлан- тириш, тарихий сиймолар ҳаётини бадий талқинда акс эттириш, миллий қадриятларни улуглашга йўналтирилган «Турон» театр студияси фаолиятини тажриба-синов тариқасида йўлга қўйсин.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

2025-2026 йилларда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида 8 та янги ихтисослаштирилган мактабни 3-иловага\* мувофиқ қуриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ–106-сон Фармонининг 4- ва 7-иловаларига мувофиқ қурилиши назарда тутилган 13 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат негизида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов) ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 6-бандида назарда тутилган мактаб ва филиалларнинг 2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин;

мактаб ва филиалларни белгиланган муддатларда қуриш-таъмирлаш, замонавий ўқув қуроллари, ахборот-коммуникация технологиялари, мебель ва ўқув лабораториялари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

8. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда улардаги таълим сифати натижадорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 апрель,  
ПФ–55-сон

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги  
ПФ–55-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги  
фан кенгашларининг асосий фаолият йўналишлари**

Қуйидагилар фан кенгашларининг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади:

мактабларда таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириб бориш ҳамда уларни умумтаълим мактабларга жорий этиш жараёнларида фаол иштирок этиш;

педагог ходимларнинг маҳоратини ҳамда ўқувчилар билимини оширишга қаратилган ўқув материалларни яратиш;

мамлакатимизда ташкил этиладиган халқаро ва маҳаллий фан олимпиадаларининг ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати аъзоллигига номзодларни жалб этиш;

илғор тажрибали халқаро ва маҳаллий ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ҳар йили бир марта STEM фанлари бўйича «Таълим конференцияси»ни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 1 апрелдаги  
ПФ–55-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги  
хузуридаги Битирувчилар кенгашининг асосий фаолият  
йўналишлари**

Қуйидагилар Битирувчилар кенгашининг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади:

битирувчиларнинг ўзаро, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан доимий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, уларга ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашишда кўприк бўлиш;

битирувчиларнинг юртимиз ва хорижда орттирган билим ва кўникмалари орқали шаклланган таклиф ҳамда мулоҳазалари асосида таълим жараёнларини такомиллаштириш, хориж тажрибасини маҳаллийлаштириш орқали таълим тизимини ривожлантириб бориш;

битирувчилар ҳамда мактаб ўқувчилари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш мақсадида ҳар йили бир марта Битирувчилар қурултойини ўтказиш;

битирувчилар томонидан мактабни тугатгандан сўнг эришилган ютуқлар ва эгалланган тажрибаларни ёш авлодга етказилиши, хорижий олий таълим муассасаларига кириш ва грант ютиб олиш масалаларида маслаҳат берилишини ташкил қилиш;

ҳозирги кунда Ўзбекистондаги нуфузли корхоналар ва давлат идораларида муваффақиятли фаолият олиб бораётган битирувчиларни намуна қилиб кўрсатиш орқали келгуси авлод ёшлари орасидан она Ватанга муҳаббат, халқимизга садоқат билан давлатимиз нуфузи учун хизмат қиладиган етакчиларни улғайтириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**118** Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга қулай шарт-шароитларни яратиш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) қуйидагиларни ташкил этиш:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» давлат корхонаси негизида давлат муассасаси шаклида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик);

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 4 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида 4 штат бирлигидан иборат бўлган Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўлимини (кейинги ўринларда — Бўлим);

б) қуйидагиларни киритиш:

камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосари лавозими негизида камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосари — Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги директори лавозимини;

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия, БАА, Венгрия, Германия, Латвия, Польша ҳамда Япония давлатларидаги дипломатик ва консуллик муассасалари штат жадвалига қўшимча равишда 1 та штат бирлигидан иборат меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе лавозимини (кейинги ўринларда — атташе).

2. Қуйидагилар:

Агентлик, Бўлим ва атташе фаолиятини ташкил этиш тартиби 1-иловага\*\* мувофиқ;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва хориждаги ваколатхоналари фаолиятини молиялаштириш манбалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 июндан бошлаб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаат-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини ҳимоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

а) «Хорижда иш» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга:

хорижий тиллар ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топширилганда ва сертификат олинганда — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга «ишчи виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда;

йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдорда компенсация тўланади;

в) суғурта ташкилотларига — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила сифатида эътироф этилган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти, шунингдек, бошқа таваккалчиликларини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш мақсадида ҳар бир суғурталанган фуқаро учун йилига бир марта эллик минг сўмгача миқдорда субсидия тўланади;

г) хорижда меҳнат қилиш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга дучор бўлган ва камситилган, меҳнат ҳамда бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ва яшаш учун маблағсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатнинг, юридик хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хизматлари учун белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандга мувофиқ, субсидия, компенсация ва бошқа тўловларни ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фармоннинг 3-банди «а» кичик бандида назарда тутилган компенсацияларни олиш учун фуқаро «Хорижда иш» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси орқали электрон тарзда ёки бевосита Агентликка асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Бунда, компенсация суммаси фуқаро хорижда ишга жойлашганидан сўнг бир ойдан кечикмасдан унинг аризасида кўрсатилган банк пластик картасига ўтказиб берилади.

5. Белгилансинки, 2024 йил 1 июндан бошлаб ҳужжатларни онлайн талаб қилиб олиш бўйича консуллик йиғимлари миқдори фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун давлат божи миқдорига тенглаштирилади.

Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар

билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига доимий консуллик ҳисобида туриш бадалини бекор қилиш, шунингдек, ҳисобда туриш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг шартларини соддалаштириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

6. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

оғир аҳволда қолган меҳнат мигрантларига моддий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2024-2025 йилларда Буюк Британияда (Лондон), Германияда (Берлин), Туркияда (Истанбул) ва Саудия Арабистонида (Ар-Риёд) Агентликнинг ваколатхоналарини ёки меҳнат мигрантларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш марказларини (кейинги ўринларда — марказлар) очиш бўйича мазкур давлатлар ваколатли органлари билан музокаралар ўтказсин;

музокаралар натижаларидан келиб чиқиб, Агентлик ваколатхоналарини ва (ёки) марказларни очиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш харажатларини Жамғарма ҳисобидан қоплаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари учун белгиланган пенсияни ҳисоблаб чиқариш, вояга етмаган фарзандларининг умумтаълим муассасаларида таҳсил олиши билан боғлиқ тўловларни қоплаб бериш (умумтаълим муассасалари пулли бўлганда), шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва раъбатлантириш тартиби Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари ходимлари ва вакилларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2024 йил 1 сентябрга қадар:

меҳнат мигрантларига ёрдам кўрсатиш учун туну кун ишлайдиган Call-марказ фаолиятини ташкил этсин ҳамда ягона телефон рақамининг узлуксиз ишлашини таъминласин;

чет элдан чиқувчи абонентлар учун Call-марказ рақамига қўнғироқларни бепул асосда амалга ошириш имконини яратсин;

б) 2025 йил 1 июлга қадар:

Ўзбекистондан ташқарига чиқувчи ва давлат ҳудудига кириб келувчи шахсларнинг аниқ ҳисобини юритиш имконини берувчи ягона идоралараро ва тўлиқ интеграция қилинган электрон маълумотлар базасини;

меҳнат мигрантлари учун бўлиб турган мамлакатлари ва у ердаги бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш, ватандошлар билан онлайн мулоқот қилиш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш имконини берувчи мобиль иловани яратсин.

9. Белгилансинки:

Call-марказ фаолиятини юритиш, мобиль иловани яратиш ва уни келгусида техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ барча харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва уни келгусида техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма ва Ички ишлар вазирлигининг маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) 90 кун ва ундан ортиқ муддатга хорижга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўйича маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Агентликка тақдим этиб борсин.

10. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб хусусий бандлик агентликларига хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг ташқарисида ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун ҳақ ундиришга рухсат этилади. Бунда:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар томонидан тўланадиган маблағлар тижорат банкларида очилган махсус ҳисобварақда сақланади;

махсус ҳисобварақда сақланган маблағлар хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан сўнг хусусий бандлик агентлигининг асосий ҳисобварағига ўтказилади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 июндан бошлаб:

а) Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат миграциясидан қайтган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ишга олинган бундай ходим учун 12 ой давомида ойига 500 минг сўмдан субсидия тўланади. Бунда:

субсидия 2024 йил 1 июндан 2026 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган шахсларга нисбатан тўланади;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахс билан тузилган ва Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси субсидия тўлаш учун асос бўлиб ҳисобланади;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар деб хорижда уч ва ундан ортиқ ой мобайнида меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, яшаш манзилига қайтиб келганлигига бир йилдан кўп вақт бўлмаган шахслар тушунилади;

б) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг «Онлайн маҳалла» электрон платформасида «Реинтеграция» модули яратилади;

в) ҳар бир маҳаллада «маҳалла еттилиги» томонидан меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш ва натижаларини «Реинтеграция» модулига киритиш амалиёти йўлга қўйилади;

г) меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга реинтеграция ёрдами кўрсатилиши ва уларнинг расмий бандлиги таъминланиши ҳоким ёрдамчи-

лари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларидан (KPI) бири этиб белгиланади.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев):

а) бир ой муддатда «маҳалла еттилиги» томонидан меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш бўйича йўриқнома ва намунавий сўровнома шаклини ишлаб чиқсин ҳамда ҳар бир маҳаллага етказиб берилишини таъминласин;

б) 2024 йил 1 июнга қадар:

«Хорижда иш» меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси ва «Бандлик хизмати» ахборот тизимининг «Онлайн маҳалла» электрон платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин;

хоким ёрдамчиларига «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали миллий вакансиялар базасидаги ва хорижий иш берувчиларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳамда ушбу иш ўринларига қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида электрон тарзда олиш имкониятини яратсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров) 2024 йил 1 июндан бошлаб:

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини бепул тиббий кўриқдан ўтказиш;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган, ижтимоий аҳамиятли касалликка чалинган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатиш амалиётини йўлга қўйсин.

14. Марказий банк (М. Нурмуратов) ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Хаитов) меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши учун «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига мувофиқ кредитлар ажратилишини таъминласин.

15. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров):

а) 2024 йил 1 июлга қадар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари негизида ота-онаси хорижда меҳнат қилаётган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиётини жорий қилсин;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар томонидан:

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар хонадонидаги аҳволни ўрганиб, уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжи аниқланишини;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг оилалари билан, шу жумладан, кейс-менежмент усулини қўллаган хол-

да самарали иш ташкил этилиши, улардан ижтимоий хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилиниши, заруратга қараб буюртмалар масъул вазирлик ва идораларга юборилишини;

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилалар мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ташкил этилишини;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг болаларига таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишга ёрдам берилишини таъминласин.

16. Қуйидагилар:

2024-2025 йилларда миграция соҳасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 3-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни тайёрлаш ва чет элга ташкиллаштирилган тартибда юборишнинг хорижий давлатлар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 4 ва 5-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига «йўл харитаси» ва мақсадли кўрсаткичларда назарда тутилган вазифалар ва тадбирларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

17. Қуйидагиларга:

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига — ҳокимларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ҳисоботларини эшитиш доирасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш;

Олий Мажлис Сенатига — халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига мазкур йўналишдаги фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш тавсия этилсин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ташқи меҳнат миграцияси соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот киритиб борсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали мазкур Фармон ва «йўл харитаси»нинг амалга оширилиши тўғрисида аниқ кўрсаткичлар ва натижаларни ифодалаган ҳолда, ахборот-таҳлилий шарҳларни тизимли равишда тайёрлаш ва эълон қилиш чораларини кўрсин.

19. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Б.А. Мусаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 апрель,  
ПФ–59-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 апрелдаги  
ПФ–59-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги  
хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, унинг ҳудудий  
бошқармалари ва хориждаги ваколатхоналари фаолиятини  
молиялаштириш манбалари**

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва хориждаги ваколатхоналари фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари;

чет эл фуқароларига республика ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берганлик учун йиғимлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва мақсадли маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**119** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Жорий йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида 2024 йилда юқори даромадли ва экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, саралаш, қуриштириш, қайта ишлаш ҳамда уларни экспорт қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан жами 1,5 триллион сўмгача бўлган миқдорда кредит ресурслари йўналтирилади.

Бунда, мазкур кредит ресурслари ҳисобидан кредитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига айланма маблағлари учун револьвер тарзда 1,5 миллиард сўмгача 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банкнинг асосий ставкаси-дан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилади.

2. Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев Савдо-саноат палатаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда 1-иловага\*\* мувофиқ маҳаллий маҳсулотлар стендларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашган нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда жозибадор локацияларда жойлаштириш учун ариза киритиш ва Савдога кўмаклашиш жамғармасига амалда ажратилган маблағлар ҳисобидан олдиндан 100 фоиз тўлаб бериш тартибини жорий қилсин.

Бунда, кўргазма ва ярмарка тадбирларида иштирок этиш харажатлари учун тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидagi тоифасига муносабат равишда, жумладан «AAA» бўлганда 100 фоиз, «AA» — 95 фоиз, «A» — 90 фоиз, «BBB» — 85 фоиз, «BB» — 75 фоиз ҳамда «B» — 65 фоиз миқдорида субсидиялар ажратилади.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 10 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланмайди;

б) 2026 йил 1 январга қадар маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини йиғиб, фақат маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтказишга рухсат берилади.

Бунда, маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-сотувчи жисмоний шахслар ва маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олди-сотди шартномалари солиқ органларининг махсус мобил иловасида расмийлаштирилади.

Солиқ қўмитаси уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришни таъминловчи мобил иловани ишга туширсин.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни ўзаро шартнома асосида ташкиллаштирилган тарзда экспорт қилувчи маҳаллий экспортёр корхоналарга (экспорт кластери) бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларнинг 50 фоизига экспортбоп экин турларини экишга буюртмалар бериш амалиёти жорий этилсин.

Бунда, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги мазкур майдонларга ўсимликлар карантини давлат инспекторларини бириктиради.

5. Ёшлар ишлари агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Экспортчилар уюشمаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда бир ой муддатда хорижий тилларни ўзлаштирган ёшларни экспорт амалиёти бўйича қисқа муддатли курсларда бепул ўқитиш, экспортчи корхоналарга бириктириш тартибини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

6. Божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари жорий йил якунига қадар тажрибали технолог ва дизайнерларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудудда маҳсулотлар учун қадоқлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни саралаш, калибрлаш, вакуум-прекулер ва бошқа турдаги қадоқлаш бўйича биттадан замонавий корхонани ташкил қилиш ҳамда фойдаланилмаётган қувватларни ўрганиш ва ишга туширишга масъул этиб белгилаб қўйилсин.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга Жаҳон банкдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 30 миллион АҚШ доллари йўналтирилсин.

7. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 2-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

Республика комиссиясига экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш, экспорт шартномаларини тузиш ҳамда хорижий истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган барча жараёнларда юзага келаётган муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиш вазифаси юклансин.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Эргашев), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудра

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тов) бир ҳафта муддатда Республика комиссияси орқали экспортчилар билан доимий мулоқот майдонини ишга туширсин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда 2024 йил учун мева-сабзавот, озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти кўрсаткичларини тасдиқласин ҳамда уларнинг ижросини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари тегишли давлатда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва реализация қилишда савдо агентлари фаолиятини йўлга қўйсин. Бунда:

хориждаги дипломатик ваколатхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи энг фаол агентларнинг рўйхатини шакллантиради ва Республика комиссиясига тақдим этади;

Республика комиссияси хориждаги савдо агентларига доир маълумотларни «Агроко‘такчи» мобил иловасига киритади ҳамда янгилаб боради.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 апрель,  
ПҚ–146-сон

---

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**120 Ижод мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Бадий адабиёт ва бошқа ижод соҳаларига меҳр қўйган иқтидорли ёшларни саралаш ва тарбиялаш, уларнинг истеъдодини ривожлантириш, келажакда ўзбек адабиёти ва санъати, оммавий ахборот воситалари учун муносиб кадрлар тайёрлаш, миллий ўзлигимиз, она Ватанимиз ва халқимизга садоқатли етук ижодкорларнинг янги авлодини камол топтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактабларида (кейинги ўринларда — ижод мактаблари):

ижтимоий ва ижодий фаол, кенг жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган адиллар ва жамоат арбоблари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилади;

маҳорат дарслари учун тўланадиган бир марталик тўлов Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги хузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан, уларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга оширилади;

жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига бадий таржима қилиш мақсадида «Ёш таржимонлар» клублари фаолияти йўлга қўйилади;

мумтоз адабиётимиз, жумладан, жадид маърифатпарварларининг Ватанимиз тарихида чуқур из қолдирган бой илмий меросини ўрганиш мақсадида амалдаги таянч ўқув режаси доирасида «Матншунослик» дарслари ташкил этилади;

ҳар йили икки мартаба ўқувчиларнинг «Ижод боғидан гулдаста» номли тўпламларини нашр этиш амалиёти йўлга қўйилади;

ўқувчиларда ахлоқий, ижтимоий-эмоционал ва эстетик дидни ривожлантириш мақсадида «Тасвирий санъат ва чизмачилик» фани негизида «Санъат» (ART) фани киритилади;

ўқувчиларнинг сунъий интеллект ва робототехника йўналишига қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг яратувчанлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида 7 — 9-синфларнинг «Технология» фани доирасида робототехника асослари ўргатилади;

«Тасвирий санъат ва чизмачилик» ҳамда «Муסיқа» фанларидан дарс берадиган педагог кадрларнинг малака тоифалари «Санъат» (ART) фанига, «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан дарс берадиган педагог кадрларнинг малака тоифалари эса — «Технология» фанига ҳам татбиқ этилади;

ижод мактаблари ўқувчиларини ўз ижодий фаолият натижаларини, жум-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 апрелда эълон қилинган.

ладан ижтимоий тармоқларда ва онлайн платформаларда тижоратлаштиришга ўргатиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида бадиий адабиёт ва санъат соҳасида иқтидорли ёшларни саралашга қаратилган кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

кўрик-танлов ҳар йили туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида ўтказилади;

танловнинг вилоят босқичида совринли 1-, 2- ва 3-ўринларни қўлга киритган 6-синф ўқувчилари ижод мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинади;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова):

а) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов) билан биргаликда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида ижод мактабларининг ижодий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

б) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб ижод мактабларининг 10- ва 11-синф ўқувчиларини:

Маданий мерос агентлиги (Б. Абдиқаримов) билан биргаликда гид, таҳрирчи ва реставратор ёрдамчиси касбларига;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев) билан биргаликда теле- ва радиоканалларда режиссёр ёрдамчиси, овоз ёзиш режиссёри ассистенти, муҳаррир ёрдамчиси ҳамда репортёр касбларига;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) билан биргаликда босма нашриётларда муҳаррир ва дизайнер касбларига;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг ҳудудлардаги филиаллари билан биргаликда сканерлаш ва рақамлаштириш ҳамда рақамлаштирилган ресурсларни қайта ишлашга оид касбларга;

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) билан биргаликда театрларда санъатшунослик, актёрлик санъати, режиссёрлик, халқ ижодиёти соҳаларидаги касбларга ўргатиш бўйича амалий дарсларни жорий қилсин.

Белгилаб қўйилсинки, касбларга ўргатиш бўйича дарслар амалдаги таянч ўқув режага ажратилган дарс соатлари ва (ёки) дарсдан ташқари машғулотлар доирасида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов) ҳар йили:

«Менинг биринчи китобим» лойиҳаси доирасида ҳар бир ижод мактабидан камида икки нафар ўқувчининг ижодий ишлар тўпламини нашр этиш чораларини кўрсин;

анъанавий «Зомин семинари»да ҳар бир ижод мактабидан камида 5 нафардан ижодкор ўқувчиларнинг иштирокини таъминласин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) ҳар бир ижод мактабини «Туркий адабиёт дурдоналари» номли 100 жилддан иборат китоблар мажмуаси билан таъминласин.

5. Ижод мактаблари 1-иловада\* кўрсатилган олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарига бириктирилсин.

Куйидагилар:

а) 1-иловада кўрсатилган олий таълим муассасалари:

2024 йил 1 майга қадар бириктирилган ижод мактабларида олий таълим муассасаси тил, адабиёт ва хорижий тиллар йўналишлари бўйича кафедраларининг бўлинмаларини ташкил этсин;

2024 йил 1 сентябрга қадар «Устоз-шоғирд» анъаналари асосида ижод мактаблари ўқитувчиларининг касбий ва илмий-ижодий маҳоратини ошириш чораларини кўрсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили соҳа ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорларга бағишланган кўрик-танлов ва фан олимпиадаларини ташкил қилсин;

ижод мактаблари ўқувчилари учун миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий кечалар, маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар ташкил қилсин;

б) 1-иловада кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари:

2024 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир ижод мактабига хорижий тил бўйича камида иккитадан мутахассисларни жалб қилсин;

ижод мактабларига хорижий давлатлардаги халқаро мактаблар билан ўқувчи алмашиш дастурларини амалга оширишга кўмаклашсин;

2024-2025 йиллар давомида ижод мактабларининг камида 50 нафар ўқитувчиларининг хорижий илғор таълим муассасаларида малака оширишларини ташкил этсин;

ижод мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчиларини турли йўналишдаги халқаро конференциялар, анжуманлар, фан олимпиадалари, танловлар, ихтисосликка оид кўргазмаларда иштирок этиш учун жалб қилсин;

2024 йил 1 сентябрга қадар ижод мактаблари кутубхона фондиди хорижий адабиётлар билан бойитиш чораларини кўрсин ҳамда уларга етакчи хорижий ахборот-кутубхоналари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашсин.

Белгилансинки, ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган чора-тадбирлар — тегишли олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, «б» кичик бандидаги тадбирлар — Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Куйидагилар:

ижод мактабларида таълим-тарбия жараёни ҳамда дарсдан ташқари машғулотларнинг сифатини яхшилаш, педагог кадрлар салоҳиятини оши-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ришни тизимли ташкил этишга қаратилган Ижод мактабларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ;

Ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда таълим сифати натижадорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори А.Т. Уббиевга мақсадли кўрсаткичларга эришилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 апрель,  
ПҚ–147-сон

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**121** Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромад топишга қаратилган фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

2024 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасидаги лойиҳалар аввалги йилларда ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ва қўшимча маблағлар йўналтирилиши ҳисобидан молиялаштирилиши;

дастурлар доирасида сўндирилган кредитлар ҳисобидан шаклланган ресурслар биринчи навбатда мазкур ҳудуддаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши;

лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ресурслари тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида жойлаштирилиши;

Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, ресурс маблағлари ва кредит бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасайтирилиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб дастурлар доирасида кредитлар ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно):

а) 33 миллион сўмгача, бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн сўмгача револьвер асосида;

б) ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланиши учун;

в) ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига ва ижарачиларга 50 млн сўмгача гаровсиз;

г) 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун 100 млн сўмгача гаровсиз ажратилади.

Бунда:

чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар туман (шаҳар) ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалаш усули) ва ҳақиқатдан етказиб берилган чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) сотиб олишга;

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 апрелда эълон қилинган.

аҳоли томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилишни истаган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги кафиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин.

Маҳаллага бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик лойиҳаларининг натижадорлиги учун тенг манфаатдор ва жавобгар бўлади.

3. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Солиқ қўмитаси билан биргаликда дастурлар доирасида кредитлар ҳисобига маҳсулот (хизмат)ларнинг етказиб берилишида шаффофликни таъминлаш мақсадида «маркетплейс» эркин савдо майдончасида рақобат муҳитини шакллантириш, нархларнинг сунъий оширилишига йўл қўймаслик, таъминотчи корхоналар томонидан маҳсулот (хизмат)ларнинг ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш юзасидан кучайтирилган назоратни амалга оширсин.

4. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ваколатли банклар билан биргаликда 2024 йил 1 июлдан бошлаб маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши мониторингини ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизмининг жорий этсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мақсадли дастурларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан АТ «Халқ банки»га 2 027 миллиард сўм ва «Микрокредитбанк» АТБга 790 миллиард сўм ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан АТ «Халқ банки»га 1 837 миллиард сўм ва «Микрокредитбанк» АТБга 1 233 миллиард сўм миқдоридан ажратилган маблағларни ушбу банкларнинг устав капиталини оширишга йўналтирсин.

6. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб Ҳунармандчиликни ривожлантириш, Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари доирасида мавжуд ва аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан шаклланадиган маблағлар «Хар бир оила — тадбиркор» дастурига йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Марказий банк манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 апрель,  
ПҚ–149-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги  
ПҚ–149-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ–3777-сон қарори 9-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33 миллион сўмгача бўлган миқдорда — ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–55-сон қарорининг 1-бандида:

а) «б» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган ўзини ўзи банд қилган шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда тадбиркорлик субъектларига 6 ойдан 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга»;

олтинчи хатбошидаги «3 йилгача муддатга» сўзлари «3 йилдан 4 йилгача муддатга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) чорвачиликни ривожлантириш йўналишидаги кредитлар четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) ва ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалаш усули) чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун ажратилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–39-сон қарори 2-бандининг еттинчи хатбошисидан «(нақдлаштириш имкониятини чеклаган ҳолда)» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қув-

ватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–306-сон қарорининг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. 2024 йил 1 январдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар 3 йилдан 4 йилгача муддатга 6 ойдан 1 йилгача имтиёзли давр билан йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада ажратилиши белгилансин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги «Хоразм вилоятида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–89-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси «ушбу маблағлар» сўзларидан кейин «оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари, шунингдек,» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–122-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошисидаги «икки йиллик имтиёзли давр билан беш йил муддатга» сўзлари «уч йиллик имтиёзли давр билан етти йил муддатга» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 373-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосари ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб бориш ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда тегишли чораларни кўришга масъул этиб белгилансин»;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин»;

в) иловада:

5-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш (Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида дала дўкони, уруғлик, минерал ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишида қурилиши 25 — 30 фоиз якунига етказилмаган бинолар қурилишини якунига етказиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ биноларни таъмирлаш бундан мустасно) учун ажратилмайди»;

7-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Чорвачиликни ривожлантириш йўналишидаги кредитлар четдан келти-

рилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) ва ветеринария бўлими томонидан идентификация қилинган (биркалаш усули) чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун ўзини ўзи банд қилган шахсларга ажратилади.

Бунда, кредитлар томорқасида бизнесни йўлга қўйиш учун ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аҳолига иссиқхона қуриш, чорва моллари боқиш, томорқага мавсумий экинлар экиш учун бериладиган кредитлар бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчисининг ушбу тадбирлар амалга оширилиши борасидаги кафиллиги асосида нақд пулда берилиши мумкин»;

13-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит ажратилишида ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси асос ҳисобланади. Бунда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самардорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн сўмгача револьвер асосида кредит ажратилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

30<sup>4</sup>-бандда:

биринчи хатбошидан «(нақдлаштириш имкониятини чеклаган ҳолда)» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «нақдлаштириш имкониятисиз тегишли» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 30<sup>8</sup> — 30<sup>11</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«30<sup>8</sup>. Аҳолига ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланишга рухсат этилади.

30<sup>9</sup>. Ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига 50 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

30<sup>10</sup>. 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорларга 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

30<sup>11</sup>. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотга тегишли зарур маълумотлар (мотороллер, мотокультиватор, тикув машиналарининг мотор, двигатель ёки кузов серия рақами) шартномага киритилмаса, маркетплейс тизимида шартнома расмийлаштириш имконияти автоматик тарзда чекланади»;

40-банддан «шартнома суммасининг 0,1 фоизидан ошмаган, лекин БҲМнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда» сўзлари чиқариб ташлансин;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Туман (шаҳар) марказлари қуйидаги ҳолларда маҳсулот етказиб берувчини маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатади ва Нохалол таъминотчилар реестрига киритади:

маҳсулот етказиб берувчи ва қарз олувчи ўзаро келишган ҳолда кредит маблағини нақдлаштириш орқали мақсадсиз ишлатганлиги аниқланганда;

ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

маҳсулот етказиб берувчи томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

маҳсулот етказиб берувчи кредитни ажратиш ва (ёки) маҳсулотларни танлаш (етказиб бериш) жараёнида қарз олувчилар томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида қарз олувчининг, тижорат банкларининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

маҳсулот етказиб берувчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

Маҳсулот етказиб берувчилар қуйидаги ҳолларда маркетплейс тизимида автоматлаштирилган ҳолда Нохалол таъминотчилар реестрига киритилади:

солиқ ҳисоботида тегишли маҳсулот кирим бўлмаганда;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

маҳсулот етказиб берувчи 5 ва ундан ортиқ шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб берилганлиги тўғрисида ҳисоб-фактура расмийлаштирилган, бироқ ҳоким ёрдамчиси томонидан ҳақиқатда маҳсулот етказиб берилмаганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилганда;

ушбу Низомнинг 43-бандига мувофиқ хизмат кўрсатилган фуқароларнинг 30 фоизидан кўпи томонидан салбий баҳоланганда».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**122 Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалигидаги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат экинлари етиштиришни кўпайтириш, аҳоли, шу жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдони (кейинги ўринларда — ер майдонлари) электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равишда 1-иловага мувофиқ ёшларга ижарага берилади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи қуйидаги янги тизим жорий этилади:

а) бир ой муддатда 60 минг гектар ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали «махалла еттилиги»нинг тавсияси билан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ёшлар (кейинги ўринларда — талабгорлар) ўртасида ўтказилади. Бунда:

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

закалат пули базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорда белгиланади;

б) талабгорларга:

сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришга суғориладиган экин майдонлари;

боғдорчилик-узумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дарахтзорлар ёки самарасиз боғлар ер майдонлари;

доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик йўналишлари учун чорва озукаси экинларини етиштиришга мўлжалланган, лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонлари 30 йил муддатгача кичик лотларда «бир масив — бир маҳсулот» тамойили асосида ижарага берилади.

Бунда, электрон онлайн аукцион савдоларида 1 нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, аукцион ўтказилган ҳисобланади ҳамда ушбу имтиёзли шартлар асосида ўтказиладиган аукцион савдоларида ёшларга ер майдонини фақат бир маротаба ижарага олишга рухсат берилади;

в) талабгорларга ажратиладиган ер майдонлари ўлчамлари «махалла еттилиги» таклифига кўра аниқланади. Бунда:

«махалла еттилиги» томонидан талабгорларга «E-auksion» электрон савдо платформасига жойлаштириладиган ер майдонлари бўйича кичик лотларни мажбурий бириктиришга йўл қўйилмайди;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 апрелда эълон қилинган.

ишни яхши ташкил қиладиган тадбиркорлар, маҳсулотни қайта ишловчи ёки экспорт қилувчиларга «Ёшлар дафтари»даги бир нечта ёшларнинг бандлигини таъминлаш мажбурияти билан яхлит контурдаги ер майдонларини беришга рухсат берилади;

г) ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олган ёшлар «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолинади;

д) талабгорлар томонидан ер майдонларида етиштириладиган экин турлари ва улар миқдорининг доимий мониторинги Ёшлар ишлари агентлигининг «Ёш фермерлар» платформаси орқали амалга оширилади.

Ёшлар ишлари агентлиги бир ой муддатда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ташаббуси асосида «Ёш фермерлар» платформасини ишга туширсин ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Агроплатформа» ахборот тизими билан интеграция қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш. Ғаниев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда ушбу тадбирларни 20 кун муддатда сифатли ташкил қилиш бўйича масъул этиб белгилансин.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизимни жорий қилиш мақсадида талабгорлар Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлими билан келишилган ҳолда «Агробанк» АТБнинг «Фермерлар мактаби», «Сувчилар мактаби», аграр соҳада кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига ва ҳудудлардаги кичик бизнесга кўмаклашиш марказларига ўқув курсларига йўналтирилсин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аграр соҳадаги ва ҳудудлардаги бошқа олий таълим муассасалари тегишли ўқув-тажриба участкаларида боғ ва тоқзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонлари барпо этилишини таъминласин.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим бўйича талабгорларга қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–52-сон қарорида назарда тутилган шартларда ва маблағлар доирасида талабгорларга тижорат банклари томонидан 7 йилгача муддатга 100 млн сўмгача кредит ажратиш. Бунда, қарор доирасида барча турдаги кредитларни «маҳалла еттилиги»нинг кафиллиги асосида ажратишга рухсат берилади ҳамда улар кредитларнинг натижадорлиги учун тенг жавобгар бўлади;

талабгорларга мини-техника, уруғ ва кўчат харидига «Ёшлар дафтари»

жамғармасидан 5 миллион сўмдан субсидия, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан — 33 млн сўмгача кредит ажратиш;

«Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан жойлардаги 167 та «Агромарказлар» орқали хусусий секторни жалб этган ҳолда уруғ, кўчат етказиш, минерал ўғит бериш, мини-техника ва агроном хизматлари йўлга қўйилади ҳамда етиштирилган маҳсулотни харид қилишга қайта ишловчилар ва экспорт қилувчилар бириктирилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорга мувофиқ ижарага бериладиган ер майдонларида турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари экин майдонларини ёшларга ажратишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ер участкаси ижара шартномаси асосида белгиланган ҳуқуқлари бузилмаслигига шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Ёшларга ажратиладиган ер майдонлари учун мини-техника, уруғ ва кўчат харид қилишга 2024 йилда Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) «Ёшлар дафтари» жамғармасидан 50 миллиард сўмгача, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Хаитов) Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 60 миллиард сўмгача маблағ йўналтириш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2024 йилда 2-иловага\* мувофиқ қўшимча 218 минг гектар ер майдонини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш юзасидан таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари, Бош прокуратура (Ж. Хатамов), Ички ишлар вазирлиги (С. Нишанбаев) мазкур бандга асосан қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритишга шахсан масъул этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш. Фаниев қўшимча 218 минг гектар ер майдони янгидан ўзлаштирилиши ва қайта фойдаланишга киритилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш схемаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, қўшимча ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга киритиш учун 2-иловага мувофиқ:

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 200 миллиард сўм миқдоридagi фоизсиз қарз маблағлари;

2024 йил учун Давлат бюджети параметрларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ер майдонлари ва чўл ҳудудларидаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун режалаштирилган 100 миллиард сўм;

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқаро молия институтларининг грант маблағлари;

ушбу тадбирларни амалга оширишга етишмаган қолган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилади.

Белгилансинки, ички суғориш тармоқларини ва улардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишлари ушбу ер участкаларини ижарага оладиган ташаббускорлар томонидан амалга оширилади.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қудуқ казиш, суғориш тармоқларини тиклаш орқали ер майдонларини сув билан таъминлаш, электр энергиясини тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг техник ва молиявий кўрсаткичларини белгилайди ҳамда ушбу ишларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, мустақил аниқлайди;

мазкур қарорга 2-иловадаги ер майдонларини ижарага беришдан тушадиган маблағлар (аукцион харажатларидан ташқари) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига қайтарилади.

10. Бош прокурор Ҳисоб палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 8-бандида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг:

428-моддасига мувофиқ томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган оғнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинганлиги;

337-моддасига мувофиқ ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдаси бўйича фойда солиғи ставкаси ноль фоиз миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М. Убайдуллаев ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси К.К. Куранбаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар

фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 апрель,  
ПҚ–153-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги  
ПҚ–153-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2024 йилда туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдонини электрон онлайн аукцион орқали ижарага олувчи ёшларнинг тоифаси\***

1. «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди\*\*.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди\*\*.
3. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар.
4. «Меҳр дафтари»га киритилган ёшлар\*\*.
5. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оила фарзанди\*\*.
6. Оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
7. Ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган ёшлар.
8. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтган ёшлар.
9. Боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
10. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларнинг соғлом фарзанди\*\*.
11. Ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири).
12. Ота-оналардан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онасида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
13. Табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёш фуқаро.

*Изоҳ:*

\* қуйидаги ёшларга электрон онлайн-аукцион савдоларида қатнашиб ерни ижарага олишга йўл қўйилмайди:

а) 30 сотихдан кўп томорқа ери бўлиб, ундан фойдаланмаётган ёшлар;

б) илгари очиқ электрон танловларда ёки электрон онлайн-аукцион савдоларида ерни ижарага олган ёшлар.

\*\* 18 — 30 ёшдаги фуқаролар инobatга олинади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I**

**123** “Bojxona organlari xodimlarini xizmat majburiyatlarini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogironligi bo‘lgan shaxs deb topish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
2-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3378-1*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 29-dekabrda 700-son “O‘zbekiston Respublikasi davlat bojxona xizmati organlarining shaxsiy tarkibi hamda ularning oila a‘zolarini ijtimoiy himoya qilish tizimini tartibga solish to‘g‘risida”gi qaroriga asosan **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2022-yil 22-iyuldagi 13/02-22-24-son “Bojxona organlari xodimlarini xizmat majburiyatlarini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogironligi bo‘lgan shaxs deb topish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3378, 2022-yil 11-avgust) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 11.08.2022-y., 10/22/3378/0735-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi va Ichki ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 20-mart,  
115-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 3-aprelda e‘lon qilingan.

*Kelishildi:*

*Ijtimoiy himoya milliy  
agentligi direktori*

*2024-yil 14-mart*

*M. OLLOYOROV*

*Ichki ishlar vaziri*

*2024-yil 4-mart*

*P. BOBOJONOV*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**124** Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-15*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 март,  
112-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил  
4 мартдаги 112-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 19-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 31-банддаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 72-банддаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятини» деган сўзлар «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) котибиятларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 102-банддаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини» деган сўзлар «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 110-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитани» ва «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасини» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитани» ва «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 112-банддаги «Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Маданият вазирлиги ҳамда Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 1-иловада:

1) 2 005 2 2 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«2 006 0 0 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси;

2 006 1 0 Республика маблағлари»;

2) 3 023 0 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 023 1 0 Республика маблағлари»;

3) 3 027 0 0 қаторнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ҳузуридаги Виночиликни ривожлантириш жамғармаси»;

4) 3 029 0 0 — 3 029 2 2 қаторлар чиқариб ташлансин;

5) 3 039 0 0 қаторнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси»;

6) 3 041 0 0 қаторнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

7) 3 041 1 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 042 0 0 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасининг Давлат қарзига хизмат кўрса-тиш бўйича кафолат жамғармаси»;

3 042 1 0 Республика маблағлари»;

8) 3 046 0 0 қаторнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси»;

9) 3 060 2 1 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 061 0 0 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси»;

3 061 1 0 Республика маблағлари;

3 062 0 0 Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси жамғармаси»;

3 062 1 0 Республика маблағлари;

3 063 0 0 Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

3 063 1 0 Республика маблағлари;

3 064 0 0 Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси»;

3 064 1 0 Республика маблағлари;

3 065 0 0 Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси»;

3 065 1 0 Республика маблағлари;

3 066 0 0 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси»;

3 066 1 0 Республика маблағлари;

3 067 0 0 Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

3 067 1 0 Республика маблағлари»;

10) 4 010 1 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«4 010 2 0 Ҳудудий маблағлар»;

4 010 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари»;

4 010 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар»;

11) 4 019 2 2 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«4 020 0 0 Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси;

4 020 1 0 Республика маблағлари;

4 020 2 0 Худудий маблағлар;

4 020 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

4 020 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;

4 021 0 0 Ҳомийлик маблағлари бўйича бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси;

4 021 1 0 Республика маблағлари;

4 021 2 0 Худудий маблағлар;

4 021 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

4 021 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар».

8. 2-иловада:

1) 3 422 219 қаторнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар»;

2) 3 422 300 қатордаги «агентлиги» деган сўз «марказлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 3 430 121 қатордаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 4-иловада:

1) 7 011 207 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 011 208 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини сақлаш харажатлари»;

2) 7 011 209 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 011 210 Давлат-хусусий шериклик асосидаги харажатлар;

7 011 211 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекциянинг сақлаш харажатлари»;

3) 7 011 330 ва 7 011 331 қаторлардаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 7 011 904 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 011 905 Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси харажатлари»;

5) 7 018 443 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 018 444 Акциз солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ажратиладиган трансфертлар;

7 018 445 Акциз солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига ажратиладиган трансфертлар;

7 018 446 Акциз солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан туман ва шаҳарлар бюджетига ажратиладиган трансфертлар»;

6) 7 019 910 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 019 911 Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари»;

7) 7 033 700 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) котибиятларини сақлаш харажатлари»;

8) 7 041 190 қатор чиқариб ташлансин;

9) 7 041 902 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси маблағлари»;

10) 7 041 902 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 041 903 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигини сақлаш харажатлари»;

11) 7 042 102 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 042 103 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари;

7 042 104 «Биосифат» республика маркази»;

12) 7 043 902 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 043 903 Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлигини сақлаш харажатлари»;

13) 7 044 303 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 044 304 Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекцияларини сақлаш харажатлари»;

14) 7 045 124 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 045 129 Минтақавий йўللарни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструк-

ция қилиш, мукаммал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа инвестиция харажатлари»;

15) 7 047 300 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 047 301 Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг марказий аппаратини сақлаш харажатлари»;

7 047 302 Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари»;

16) 7 047 904 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

17) 7 049 995 қатордаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 7 049 996 қатордаги «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 7 063 300 қатор чиқариб ташлансин;

20) 7 069 000 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 069 100 Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика маркази»;

21) 7 072 303 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси харажатлари»;

22) 7 085 400 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини сақлаш харажатлари»;

23) 7 089 100 қатордаги «Маданият ва туризм вазирлиги» деган сўзлар «Маданият вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 7 089 200 қатордаги «Маданият ва туризм вазирлигининг» деган сўзлар «Маданият вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 7 089 600, 7 089 601 ва 7 089 602 қаторлардаги «Ёшлар сиёсати ва спорт» деган сўзлар «Спорт» деган сўз билан алмаштирилсин;

26) 7 091 200 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 091 300 Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ажратиладиган субсидия харажатлари»;

27) 7 094 100 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 094 200 Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси»;

28) 7 109 406 қатордаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 7 109 406 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 109 407 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси харажатлари».

10. 5-иловада:

1) 42 99 000 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 99 980 Давлат-хусусий шериклик асосидаги харажатлар»;

2) 47 11 410 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 11 420 Давлат бюджетидан пенсия тўловлари»;

3) 48 21 400 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«48 21 410 Талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўловлар».

11. 5а-иловада:

1) 47 11 410 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 11 420 Давлат бюджетидан пенсия тўловлари»;

2) 42 99 000 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 99 980 Давлат-хусусий шериклик асосидаги харажатлар»;

3) 48 21 300 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«48 21 410 Талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармасидан тўловлар».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ozbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 20-martdagi 115-son “Bojxona organlari xodimlarini xizmat majburiyatlarini bajarish chogida halok bolgan yoki olgan jarohati tufayli nogironligi bolgan shaxs deb topish tartibi togrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni oz kuchini yoqotgan deb topish togrisida”gi buyrug’i.

***2024-yil 2-aprelda ro’yxatdan o’tkazildi, ro’yxat raqami 3378-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 4 мартдаги 112-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2024 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-15.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 13/02-22-24-сон «Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 3378, 2022 йил 11 август).

***2024 йил 2 апрелда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**